
ЯНГИ УЙЛАР МУБОРАК БЎЛСИН!

Бугун Риштон тумани Зоҳидон МФЙ бунёд этилган 3 та 4 қаватли замонавий тураржойлар ўз эгаларига топширилди. Ушбу уйларнинг ҳар бири 24 оилага мўлжалланган. Ушбу уйлар ёш оилалар ва уй жойга муҳтож бўлган бошқа тоифалардаги аҳолига 20 йиллик имтиёзли кредитлар асосида берилди. Қурилишда асосан маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланилган. Сифат нуқтаи назардан замон талабларига тўла жавоб беради. Ташқи коммуникация ва ободонлаштириш ишлари ҳам тўлиқ якунланган. Тантанали маросимда туман ҳокими С. Солиев, туман прокурори Ш. Турдалиев, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳалқ қабулхонаси мудирини С. Додобоев, туман ҳокими ўринбосарлари ва мутасадди раҳбарлар ишироқ этишди. Тадбирда сўзга чиққан туман ҳокими бугунги янгиланиш ва бўлаётган ислохотларни эътироф этди. Янги хонадонларнинг соҳиблари учун ушбу кун унутилмас эканлигини янги уйда ҳамиша қувонч ва хурсандчилик бўлишини тилади. Туман ҳокими янги уй эгалари билан суҳбатлашди. Бугунги кунда амалга оширилаётган кенг қурилиш-бунёдкорлик ишлари натижасида одамларнинг ҳаёти яхшиланиб, келажакка умид ҳисси янада кучаймоқда. Айниқса, туманимизда барпо этилаётган кўп қаватли уй-жойга эга бўлаётган ёш оилаларнинг қувончи чексиз.

Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-03-19 16:16:21